

Фаса ва Даробижарда фатҳи



10:24 / 15.04.2025 1348

Сория ибн Зунайм ал-Кинаний Фаса ва Даробижарда томон юрди. У ерлик аскар билан саҳрода тўқнашди. Қаттиқ жанг бўлди. Форслар курдлардан мадад сўраган эдилар, улар мадад бердилар. Мусулмонлар оғир аҳволда қолдилар. Сория ва унинг аскарлари саҳрода эдилар. Агар у ерда туриб жанг қилаверсалар, ҳалок бўлишлари турган гап эди. Агар ортларидаги тоққа чиқиб олсалар, душман фақат бир томондан келиши мумкин эди, холос.

Имом Байҳақий «Далоилун-нубувва»да, Ал-Лолкой «Шарҳис сунна»да, аз-Зайну Оқулий «Фавоид»да, Ибн ал-Аъробий «Каромотул авлиё»да ва бошқалар Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар:

«Умар бир лашкар юбориб, унга Сория розияллоҳу анҳу исмли кишини бошлиқ қилган эди. Умар розияллоҳу анҳу хутба қилиб туриб, «Эй Сория,

тоққа!» деб уч марта нидо қилди.

Кейин ўша лашкарнинг хабарчиси келди. Умар ундан ҳол сўради. Шунда у:

«Эй мўминларнинг амири, биз енгилаетган эдик. Ана шундай ҳолда турганимизда «Эй Сория, тоққа!» деган нидони эшитдик. Бас, биз ортимизни тоққа бериб олган эдик, Аллоҳ уларни мағлуб қилди», деди.

Умарга: «Сен ўшандоқ деб қичқирган эдинг», дейилди».

Ибн Мурдавайҳ Ибн Умардан ривоят қилади:

«Умар жума куни хутба қилаётган эди. У хутбаси ичида «Эй Сория, тоққа!» деди. Одамлар бир-бирларига қарадилар. Али розияллоҳу анҳу: «У албатта айтган гапидан чиқади», деди. У фориф бўлганида сўрашган эди, «Хотиримга мушриклар биродарларимизни мағлуб қилаётганлари тушди. Улар тоғнинг олдидан ўтаётган эдилар. Агар у томон бурилсалар, бир тарафдан уришар эдилар. Агар ўтиб кетсалар, ҳалок бўлар эдилар. Бас, мендан сизлар «Эшитдик», деб айтаётган нарса чиқди», деди».

Бир ойдан кейин лашкарнинг хабарчиси келди. У ўша куни Умарнинг овозини эшитишганини зикр қилди ва «Тоғ томонга бурилдик, сўнг Аллоҳ бизга фатҳ берди», деди.

Сория ибн Зунайм ал-Кинаний розияллоҳу анҳу хабарчи ила хушхабарга қўшиб, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга бир идиш тўла жавоҳирлар ҳам юборган эди. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу у жавҳарларни олмадилар ва қайтариб олиб бориб, сотиб, пулини мусулмонларга тақсимлаб беришни амр қилдилар.

Сория ибн Зунайм ал-Кинаний розияллоҳу анҳу Даробижардга волий бўлиб қолди.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 21-жузидан олинди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 14 сентябрдаги 0307/7030-сонли тавсияси билан чоп этилган.